

ЮЗ РУПИЯ*

Мен бу аёлни бир куни эрталаб мөхмөнхона ховлисида кўриб колдим. Мөхмөнхона кўхна голландча иморат бўлиб, океан сохиридаги ям-яшил кокосзор багрида жойлашган эди. Ўша кунлари ўзим хам шу жойда дам олаётган эдим. Кейин хар куни уни шу ерда кўрадиган бўлдим. У айвондан икки кадам нарида бўлган уйнинг енгилгина, иссик сояси тушиб турган жойда камиш креслода ярим ётган холда ястаниб оларди. Баланд бўйли, маллатоб, кийик кўзли, канопдан тикилган куртка ва тор шим кийиб олган дастёр йигитча шагал ётқизилган йўлка бўйлаб ялангоёк гарт-гурт кадам ташлаб келарди-да, кресло ёнидаги столчага патнисни кўяр, патнисда тилло пиёлада чой бўларди. Дастёр курукшаб, ботик лунжи томон тортилиб кетган лабларини кимирлатмасдан тавозе билан бир нималар дерди-да таъзим бажо келтириб, яна кайтиб кетарди. Аёл эса ярим ётган кўйи похол ёлпигич билан ўзини аста-аста елпир, кора бахмалдек гаройиб киприкларини бир маромда пирпиратар эди... У ер юзида яратилган кайси тоифадаги маҳлукот оиласига мансуб?

У обдон тобланган, данакдек аёл эди. Каҳрабо кўкраклари, елкалари, кўллари ва оёклари тиззасигача ялангоч бўлиб, баданига, сонларига кўм-кўк ялтирок мато ўраб олганди. Сарик огочдан ясалган сандалига лакланган кизил тасма тортилган, оёқчаларининг кизилга бўялган тирноклари тасма орасидан кўриниб турарди. Катрон соchlари бошига ганак килиб турмакланган, бу дагал кўриниш унинг болаларча маъсум киёфасига асло мос эмасди. Кулокчаларининг солинчакларида говак тилла сиргалар тебранарди. Коп-кора киприклари акл бовар килмас даражада узун ва гаройиб эдики, Боги Эрамда гулдан гулга учиб-кўниб юрган капалакларни эслатарди; улар жаннатий хинд гулзорларида хам гохида хаёл мисоли кўзга ташланиб коларди... Гўзаллик, акл-идрок, ахмоклик каби сўзлар асло унга ёпишмасди, гўё барча инсоний хусусиятлар унга бегона эди. Дарҳакикат, у бошка сайёрадан келиб колган жонзотга ўхшарди. Соковлик - унинг сўзсиз суврати эди. У ярим ётган кўйи мик этмасди, коп-кора бахмалдек киприк-капалакларини бир маромда пирпиратар, елпигич билан ўзини аста-аста елпир эди...

Бир куни эрталаб мөхмөнхона ховлисига рикша* жадал кириб келди. Одатда, мен мана шу рикшада шахарни сайр этиб кайтардим. Дастёр йигитча айвон зинапоясида истикболимга пешвоз чикиб таъзим бажо келтирди-да, паст товушда:

- Сэр, юз рупия, - деди инглизчалаб.

Бу – уша санамнинг баҳоси эди. Афсус...

1944, 24 май

Олима Набизода таржимаси

*Рупия - Хинdistон, Индонезия ва бошка Хинд океани хавзасида жойлашган мамлакатларда пул бирлиги; харид куввати хар хил /тарж. изохи/.

*Рикша - хаммол тортиб юрадиган гилдиракли безакдор аравача, унда йўловчи ёки юк ташиш мумкин /тарж. изохи/.

